ЖАМИЯТ

№ 20 (841)
2023 йил
9 май,
Сешанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru t.me/bonguz1

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Ҳурматли парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, шу йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик.

Референдумда қатнашган фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги “Бу – менинг Конституциям”, деб ғурур билан овоз берди.

Референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислоҳотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Эл-юртимизнинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

Буларнинг барчаси – миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз “қилса бўлар экан-ку”, деб, ўз рўзғори, оиласи мисолида юртимизда юз бераётган катта ўзгаришларни яққол сезаётганидан далолат эмасми?

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол ва муносиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.

Албатта, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юклайди, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундайди, ислоҳотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг юксак фуқаролик бурчини чин дилдан адо этиб, Асосий қонунимизни қабул қилишда амалий таклиф ва ташаббуслари, ғоя ва фикрлари билан фаол иштирок этган кўпмиллатли, мард ва олижаноб халқимизга таъзим қиламан.

Шу билан бирга, жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, эзгу ишларимизда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам нуронийларимиз, илм-фан ва маданият арбоблари, зиёлиларимизга, жонкуяр ўқитувчи-мураббийлар ва шифокорларимизга, иқтисодиётимиз ривожига янги куч бераётган тадбиркорларимизга, ишчи-хизматчилар, миришкор деҳқон ва фермерларимизга, кластерлар ходимларига, жамиятимизнинг таянч устуни бўлмиш маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторларига, келажагимиз эгаси бўлган азму шижоатли ёшларимизга, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг барча ҳақиқий ватанпарварларига самимий миннатдорлик билдираман.

Айни пайтда халқ билан мулоқот қилиб, унинг фикрини олиб, Асосий қонунимизни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган Конституциявий комиссия аъзоларига, барча депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар вакилларига, қонун лойиҳасини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертларга, референдум жараёнларини ҳаққоний ёритиб, ўзининг холис фикрларини билдирган барча оммавий ахборот воситалари ходимларига, халқаро кузатувчиларга алоҳида ташаккурлар айтаман.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

БИР ЙИГИТНИНГ ҚИРҚ БИР ҲУНАРИ

Халқ мақолларини ислоҳ қилишга асло ҳожат йўқ. Улар асрлар синовидан ўтиб, қайта-қайта сайқалланиб бизларга етиб келган. Лекин замона зайли билан қайсидир ота мақол кундалик ҳаётимизда нотўғри талқин қилинаётган экан, айбни аввало ўзимиздан қидиришимиз керак.

Юрт қайғуси

Бинобарин, мамлакатимизда шиддат билан давом этаётган ўзгариш ва янгиланишларга қуюқ соя солаётган қатор камчиликларнинг бош айбдори – турли жабҳаларда “жавлон ураётган” нопрофессионал кадрларнинг касофатига “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” деган мақолни рўкач қилиш адолатдан бўлмас. Мақолда одам боласи битта касбнинг этагидан маҳкам тутсин, айни пайтда, эҳтиёж туғилганда қирқ ҳунардан бохабар бўлсин, шунда ҳаётда қоқилиб-сурилиб юрмайди, деган ҳикмат мавжуд. Бу эса мўмай пул топиш учун ҳар мақомга йўрғалайверишни англатмайди.

Афсуски, бугун кўпчилик ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйди.

Кадрлар жой-жойидами?

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев (Худо раҳмат қилсин у кишини) бирор бир тадбирга борганда, кўнгилдагидай шарт-шароит, тайёргарликни кўрса, завқи тошиб кетганидан, “Бу ерда кадрлар жой-жойида!” дер эди. Кейинги йилларда дилларга мамнунлик бахш этувчи ана шундай ўктам хитобни соғиниб қолаяпмиз.

(Давоми 6-саҳифада)

“ЛОЖУВАРД ОСМОНДА ЧИНИЙ КАБУТАР”

Ғафур Ғулом шеъриятида Самарқанд мадҳи

Фахр

Узоқ тарихга назар ташлар эканмиз, дунёнинг гўзал жойларини мадҳ этиш, унинг поэтик образини яратишга бўлган интилишларни кўплаб учратиш мумкин. Чунки ҳар бир халқнинг уйғоқ тафаккурли инсони, табиат мўъжизаларидан, унинг гўзаллигидан баҳра олишга интилиши, ўз сизимларига таянган ҳолда қалбидаги эзгуликни тараннум этишга интилиши, лирик кечинмалар, туйғулар асосида образлар оламига сингдиришга ҳаракат қилади. Дунёнинг турли ўлкалари мадҳ этилар экан, унинг ўзига хос фазилатлари, мангуий белгилари, инсон кечинмаларига сингдирилиши, табиий. Шунинг учун ҳам гўзал ва қадимий, навқирор Самарқанднинг поэтик образини яратишга Шарқу-Ғарб ижодкорлари катта эътибор қаратишган. Буларнинг замирида инсонни англаш, бу асосида унинг тафаккур дунёсига таъсир этиш анъанасини ҳам кузатиш мумкин.

Бундай анъаналарнинг ўзига хослигини Шарқ мумтоз адабиётининг турли жанрларида поэтик талқинига сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон каби юзлаб истеъдод соҳибларининг асарларида бундай талқинлар, поэтик образлар мукаммаллик даражасига кўтарилган.

XX аср адабиётида ҳам бу каби анъаналар изчиллик билан давом эттирилиб, бадиият таркибига сингдирилди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, бир қатор истеъдод соҳиблари ижодий анъаналарни изчиллик билан янгилашга эришди. Чунки ўтган аср бошларида Туркистон бирлиги яхлитлигини куйлаш анъана ҳисобланган бўлса, 70-, 80-йилларга келиб бу мавзу ижодий жараёнда янада теранроқ ўрин олди. Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон каби ижодкорлар Чўлпоннинг бу мавзудаги ижодий анъаналарини давом эттирди. Ана шундай бир даврда шеъриятда ранг-баранг мавзулар, метофорик талқинлар етакчилик қилди.

(Давоми 5-саҳифада)

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Азиз ватандошлар!

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз ўз танловини амалга ошириб, янгиланган Конституция учун овоз берган 30 апрель санаси тарихимизда унутилмас ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Айнан шу куни кўпни кўрган, ҳаёт маъносини, тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади.

Қадим тарихимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-боболаримизга хос эзгу қадриятларни рўёбга чиқариш, яъни инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамларимиз билан бамаслаҳат иш кўриш биз учун чинакам демократия намунасидир.

Халқимизда “Бирдамлик бор жойда илдамлик бор”, деган доно нақл бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган юртда албатта қут-барака, тараққиёт бўлади.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўпмиллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни – мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Янгиланган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб, қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда мухрланган бу принциплар – мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажагини белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди.

Дунёда кундан-кунга янги-янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётганини барчангиз кўриб турибсиз. Энг нуфузли сиёсатшунос ва экспертлар ҳам, “ақл марказлари” ҳам жаҳонда содир бўлаётган ҳозирги зиддият ва тўқнашувлар қачон ва нима билан тугашини айта олмаяпти.

Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт. Бунинг учун, биринчидан, ота-боболаримизнинг асрий армони бўлган, тенгсиз ва буюк неъмат – мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш барчамиз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини унутмаслигимиз зарур.

Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор. Қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз. Шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Эл-юртимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш учун “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз кўча” концепцияларини жадал амалга оширамиз. Бунинг учун янги ташкил қилинган “маҳалладаги бешлик” тизимини давлат ва жамият томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Фуқароларо тотувлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда тинчликсевар ташқи сиёсатимизни давом эттириб, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқаларини, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз.

Биз мамлакатимиз суверенитетини янада мустаҳкамлашда глобал иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергетика, логистика билан боғлиқ хавф-хатарлар, сув тақчиллигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича янги ташаббус ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳамкорларимиз билан бирга фаол иш олиб борамиз.

Иккинчидан, биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилдик.

Мамлакатимизда 2 миллион 200 мингдан зиёд оилалар ижтимоий кўмакка муҳтож. Аҳолимизнинг 55 фоизи ёшлардан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Янгиланган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилмоқда. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.

Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз. Нуронийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтирамиз. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб борамиз.

Ўзимизга савол берайлик нима учун аҳолимиз референдумда бунчалик фаол бўлди?

Нимага улар ислоҳотларимизни қўллаб-қувватламоқда? Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизнинг қишлоқ ва овулларидан тортиб, пойтахтимиз маҳалла ва кўчаларидаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини ўз кўзлари билан кўраяптилар.

Биргина мисол, ўтган йилдан бошлаб “очиқ бюджет” тизимини жорий этганимиз қишлоқ ва маҳаллалардаги оддий одамларимиз кайфиятига қандай ижобий таъсир кўрсатганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Лекин, одамларимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун ҳозиргидан кўра икки карра кўп ишларни бажаришимиз керак.

Яхши биласизлар, биз мамлакатимизда камбағаллик борлигини тан олиб, алоҳида дастурлар асосида уни қисқартириш бўйича катта иш олиб бормоқдамиз.

Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш борасида “учта дафтар”, ижтимоий реестр тизимини йўлга қўйиб, салмоқли натижаларга эришдик. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Бу борада одамларимиз янгиланган Конституциядан, биз жорий этаётган янги тизимдан кўп нарсаларни кутмоқда.

Аҳолимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминлаш зарур. Ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини ҳозирги 80 миллиард доллардан яқин йилларда 160 миллиард долларга етказиш учун бор имкониятларни ишга солишимиз керак. Бу – аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 минг долларга етади, дегани.

Биз бундан буён ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш борасидаги ишларни жадал давом эттирамиз. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, қурилиш соҳаларига катта-катта инвестициялар жалб қилинади.

Умуман, ҳукумат 1 августга қадар давлат ўзига олган ҳар бир янги мажбурият бўйича уларнинг маблағлари, ижро механизмлари, бу масалада масъул вазирлик ва ҳокимликлар ҳамда мутасаддилар аниқ кўрсатилган алоҳида дастур ишлаб чиқиб, парламентимизга киритади.

Учинчидан, Конституциямизда илк бор, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди.

Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.

Бу – авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани.

Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади.

Энг муҳими, “Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!” деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини албатта амалда таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда, Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди.

Албатта, Асосий қонунга киритилган бу илғор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди, кўп жамиятлар бундай ўзгаришларни фақат орзу қилади. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз зарур.

Энг муҳими, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга, аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳаммамиз учун дунёқарашимизни ўзгартириш талаб этилади. Қандай оғир бўлмасин, бу ишларни амалга

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

оширишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, демократик тараққиёт йўлини қатъий давом эттирамиз.

Бош қомусимизда бу мақсадга эришиш кафолатларини янада кучайтирдик. Бизга инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизими керак. Маъмурий ислоҳотларни айнан шу мақсадда бошладик. Биринчи босқичда ҳукумат ва вазирликлар ихчам қилиниб, уларнинг иш услуби ўзгартирилди. Навбатдаги вазифамиз – вилоят ва туман даражасида ҳам бошқарув сифатини оширишдан иборат.

Менинг энг катта ниятим – одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциямиздаги ўзгаришлар бир қатор сиёсий ислоҳотларни ҳам назарда тутади. Бу борада парламент фаолиятида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага етказилди.

Айни пайтда, палаталарнинг ваколатларига ҳам аниқлик киритилди. Масалан, ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари Қонунчилик палатасининг ваколатига ўтказилди.

Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга қаратадиган, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлайдиган вақт келди.

Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Буларнинг барчаси, депутат ва сенаторларимиз зиммасига катта масъулият юклаши табиий, албатта. Энди улар пастга тушиб, кўпроқ одамларимиз билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитса, вазирлар ва ҳокимлар билан биргаликда ҳар бир масала бўйича аниқ ечимларни топса, бундан умумий ишимизга фақат фойда бўлади.

Бугунги кунда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган энг таъсирчан куч, бу – оммавий ахборот воситалари, журналистлардир.

Жамиятимиздаги очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлар қатъий кафолатланмоқда.

Шу билан бирга, сўз эркинлиги, бу – масъулият ҳам дегани. Яъни ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслигимиз зарур.

Айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.

Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланади. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз,

Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунданоқ "Биз халқимизга хизмат қилгани келганмиз. Биз халқимизни рози қилиш учун келганмиз", деган гапларни доим такрорлайман.

Биз ислоҳотларни бошлаган пайтда, ўзимиз тасаввур ҳам қилмаган жуда кўп муаммо ва синовларга дуч келдик. Уларга эл-юртимиз билан биргаликда ечим топиб, ҳар бир масалани жойида ҳал қилиб боряпмиз. Чунки, янгиланган Конституциямизнинг маъно-мазмуни, бош мақсади ҳам халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиб беришдан иборатдир. Бу мақсад йўлида қанчалик оғир бўлмасин, зарур маблағларни, керак бўлса, ортиқчаси билан топиб, барча имкониятларни ишга солаяпмиз.

Халқимизнинг ўзи – энг адолатли ҳакам. Мен аминман, бугун юртимиздаги ҳар бир инсон "ҳаётимда ижобий ўзгариш бўлмоқда", деб айта олади.

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилиши лозим.

Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга беқиёс имкониятлар очиб беради.

Шу муносабат билан, мен бугун иккита муҳим Фармонни имзоладим.

Биринчи Фармон янгиланган Конституциямизни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш учун унинг мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ вазифаларни назарда тутади.

Шу маънода, Бош қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим маскани, ташкилот ва корхонада чуқур ўрганиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциянинг 128-моддасида мамлакат Президентига берилган ваколатдан фойдаланиб, мен иккинчи муҳим Фармонни имзоладим. Унга мувофиқ, юртимизда муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилади.

Бундай қарорга келиш учун қандай объектив зарурат бор, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Нима учун, қолган уч ярим йиллик Президентлик муддатидан ўз ташаббусим билан воз кечаяпман? Чунки, ўзингиз кўриб турибсиз, Асосий қонунимизга мувофиқ, биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда.

Иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни қўймоқда.

Учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутмоқда.

Тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Шу муносабат билан бутун халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар, барчангиз кўриб турибсиз, олдимизга бугун янада улкан марралар қўймоқдамиз.

Бундан буён ҳам жамият ва давлат ҳаёти, бугунги ва келгуси тараққиётига оид ҳар бир масала бўйича фақат ва фақат сизлар, донишманд, бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Асосий қонунимизда халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб бежиз ёзилмаган. Шу нуқтаи назардан, янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз, яна бир бор айтаман, фақат халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, бугунги мавжуд шароитда бу – энг тўғри ва адолатли қарор бўлади.

Сайловлар қонунга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилади. Бунда сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар юртимиз тинчлиги ва унинг равнақига, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлаб айтмоқчиман: кўзлаган марраларимиз қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар бор.

Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комил, сизлар билан, бутун халқимиз билан эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда қурамиз.

Мана шундай улуғ мақсад йўлида ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқ ва зафарлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Яратганнинг ўзи барча олижаноб ишларимизда мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

УЗИЛМАГАН УМИДЛАР

Эсимни танибманки, уйимиз тўрида жуда келишган, ҳарбий кийим ҳам ўзига ярашиб турган навқирон йигитнинг катта қилиб ишлатилган фотосурати осиғлик туради. У отамнинг укаси, Армияга кетиб, машъум уруш туфайли қайтиб келмаган менинг амаким Отабой Исмоилов.

Ҳар гал суратга кўзим тушганида қаттиқ таъсирланаман. Хаёл олис-олисларга олиб кетади. Уруш ҳақидаги киноларни кўрганимда, китобларни ўқиганимда эса девордаги ушбу сурат – амаким кўз олдимга келаверади.

...Бугун ҳам суратга боқиб, ўйланиб қолдим. Хаёлан у билан суҳбат қурдим.

– Отабой оға! Сиз мени кўрмагансан, билмайсан, деб ўйламанг. Гарчи сизни кўрмаган бўлсамда, отам, оғангиз Бекчон Исмоилов ва бошқаларнинг сиз тўғрингиздаги ҳикоялари, қолаверса, эски чемоданда сақланаётган сарғайган фотосуратлар ва ҳужжатлар орқали жуда яхши биламан.

Айтишларига қараганда сиз болалигингиздан зеҳнли, ғайратли бўлган экансиз. Шаҳодатномангиздаги аъло баҳолар мактабда ҳам яхши ўқиганлигингиздан дарак бериб турибди. Оғангиз Бекчонга ҳавас қилиб, ўқитувчилар техникумига ўқишга кирганингиз, Тельман номли мактабда муаллим бўлиб ишлаганингизни ҳам яхши биламан, 1939-йилнинг бошларида ҳарбий хизматга чақирув қоғози олганингизда қалбингиз фахрга тўлиб қувонганингизни ҳам айтиб беришган. 3 февралда Қизил Армия сафига жўнар экансиз, дадангиз Исмоил ота ўшанда сизни бағрига босиб “Ой бориб омон кел!” дея тилак билдирган. Онангиз Бика момо “Кенжа ўғлимни тўйини кўриб ўлсам армоним йўқ” деган. Лекин у ҳам, бошқалар ҳам ўшанда сизни охирги марта кўриб тураётганликларини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Ахир икки йилдан кейин уруш бошланишини улар қаердан билсин.

Сиз ва дўстларингиз хизматни муваффақиятли ўтаб турган бир пайтда уруш бошланган. Турган гап-ки, душманга қарши қонли жангларга киргансизлар.

Бу ёқда фронт орқасида ҳам осон бўлмаган. Қишлоқдаги эркакларнинг кўпчилиги фронтда. Оғир ишлар ёш-яланглар ва аёллар зиммасида. Кеча-ю кундуз тиним йўқ. Бугун бу уйга, эртага у уйга “қора хат” келган. У ҳам бамисоли ўқдек, ўқдан ҳам баттар. Бир эмас ўнлаб юракларни қонга тўлдирган.

“Боламнинг жонини омон сақла” деб кеча-ю кундуз дуо қилиб ўтирган Бика момога ҳам 1942 йилда ана шу ўқ келиб теккан. “Қора хат” – билдиришда шундай дейилганди: “Сизнинг ўғлингиз, 1920 йилда туғилган Отабой Исмоилов Улуғ Ватан уруши фронтида 1942 йил февралда бедарак йўқолган”.

Бика момо ва оиладаги бошқаларнинг чеккан қайғу ҳасратларини тасаввур этолмайман. Яхшиям Яратганнинг ўзи одамзодга сабр – тоқат, ирода ато этган. Акс ҳолда, бу кўргиликларга дош бериб бўлармиди.

Кейинчалик урушда ярадор бўлиб қайтиб келган, сиз билан бирга жанг қилган Сафо исмли ҳамқишлоғингиз жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлигингизни кўп вақт сир сақлаб юриб, сўнг айтган. Шунда ҳам Бика момо эшитмасин, деб тайинлаган. Чунки, у ҳар куни бедарак кетган ўғлини – Сизни кутиб яшаган. Уруш тамом бўлгандан кейин ҳам неча йиллар умидини, бугун келар, эрта келар деб, эшикдан кўзини узмаган.

Ўша уруш даврида келган “қора хат”ларнинг барчаси деярли бир хил –“бедарак йўқолган” деган мазмунда бўлган. Ўйлаб кўрсанг бунинг кўнгилга тасалли берувчи муҳим томони бор экан. Умидинг узилмайди. Яшашдан батамом безиб кетмайсан, киши.

Момом болалигимда ҳамма невараларидан кўра мени яхши кўришини, ўйинқароқлик қилиб ҳассасини олиб қолсам, эркалансам ҳам койимасликларининг сабабини кейинчалик тушундим. Сизнинг исмингиз қўйилгани учун экан...

Маълумки, азалий қадриятларимиз, урф-одатларимизга кўра бирор хонадонда чақалоқ дунёга келса унга исм қўйиш чоғида энг аввало оиланинг ёши улуғлари – отахон ва онахонлар билан маслаҳатлашишади.

Уруш тугаб орадан саккиз йил ўтгач мен дунёга келганда ҳам анашу одатга кўра Бикажон момодан маслаҳат сўрашган.

– Неварамга кенжа ўғлим Отабойнинг исмини қўямиз, – деган ўшанда момо, – номи ўчиб кетмасин...

– Ахир келиб қолсачи? Орадан шунча йил ўтса ҳам уйига қайтаётган аскарлар бор, балки келиб қолар, – дейишганда у шундай жавоб қайтарган:

– Илоҳим келгай, келса қанийди. Агар келса бирини катта Отабой, бирини кичик Отабой ёки неварамни Отабек деб атайверамиз.

Шу-шу мени ҳали-ҳануз икки исм билан чақиришади. Расмий ҳужжатларда Отабой, кундалик муомалада эса кўпинча Отабек. Ижодий фаолиятим туфайли кейинчалик у адабий тахаллусга айланди.

Кинофильмларда уруш қурбонларини хотирлаш лавҳаларини кўрганимда “Ўзим ва ўша йигит учун ” деган ибораларни кўп эшитганман.

Очиғини айтсам, мен ҳам ўзимни доимо ҳаётда икки киши – ўзим ва Сиз учун яшаётгандек ҳис қиламан. Бу ҳолат нафақат руҳиятимда, одат ва ҳаракатларимда ҳам акс этади. Дейлик бирор юмушни режалаштирсам ёки бирор ишга киришсам доимо иккиланиб тураман. Икки рангни яхши кўраман. Ёнимда икки нарса – қалам ва қоғоз олиб юришга одатланганман. Иккита ижодий уюшма – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзосиман. Икки марта, яъни икки чақириқда маҳаллий Кенгашда депутатлигига сайландим. Яна бир воқеа – 2015 йилнинг ўзида иккита – Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг “Йилнинг энг фаол журналисти” ва Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик!” Республика ижодий танловлари мукофотига сазовор бўлдим. Хуллас, ҳаммаси иккитадан, бири Сиз учун, бири ўзим учун.

Ҳатто фаолият давомида ҳам асосий касбим журналистикада газета муҳаррири ўринбосарлиги баробарида қўшимча тарзда ота касби ва сизнинг касбингиз билан шуғулландим. Талабаларга адабиёт фанидан сабоқ бердим, Хоразм Маъмун Академясида катта имлий ходим вазифасида фаолият кўрсатдим. Булар ҳам гўё ўзим ва Сиз учун ...

Буларни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Сизнинг номингизга муносиб бўлиш йўлида қилаётган ҳаракатларимни эслатиш мақсадида қайд этаяпман. Сизни номингиз менга қўйилгани ҳам фахр, шу билан бирга зиммамга маъсулият ҳам юклайди.

Отам фронтдан ёзган охирги хатингиз ҳақида гапириб бергани эсимда. Мактубингида “Оға, ҳозир Қримдамиз, лекин Қримнинг қаерида эканимизни билмайман. Ҳужумга тайёрланаяпмиз” деб ёзган экансиз ўшанда.

Қримни озод этиш чоғида душман бомбаси тагида қолиб ҳалоқ бўлганингизни фронтдан ярадор бўлиб қайтган қуролдош дўстингиз кейинчалик айтиб берганидан хабардорман. Насиб этадими, йўқми хокингиз ётган ўша жойларни зиёрат қилиш нияти бор кўнглимда.

Яхшиям Яратганнинг ўзи одамзодга умид деган туйғу ато этган. Кишини эртанги кунга рағбатлантириб турадиган ҳам ўша. Бика момо вафотига қадар келишингиздан умид узмади. Кейин бу умид оғаларингиз, қолаверса, уларнинг фарзандлари – бизларнинг қалбимиздан жой олди...

Суратингиз тилга киргандай, майин табассум билан “Қисқа умримга афсусланмайман. Чунки, Ватаним деб, сизларни деб ҳалоқ бўлдим. Сизлар омон бўлинглар. Мен кўрмаган орзу – ҳаваслар ҳам сенга насиб этсин жиян! Унутма, ҳаёт ҳам бамисоли фронт. Ҳамиша дадил, жасур бўл, ҳайиқмай олдинга интил”, деяётгандек бўлади.

Суратда: фронтга кетиб урушдан қайтиб келмаган минглардан бири хивалик ўқитувчи Отабой Исмоилов

Отабой (Отабек) ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси аъзоси.

“ЛОЖУВАРД ОСМОНДА ЧИНИЙ КАБУТАР”

Ғафур Ғулом шеъриятида Самарқанд мадҳи

(Боши 1-саҳифада)

XX аср ўзбек шеъриятининг ёрқин намоёндаларидан бири, қомусий ижодкор Ғафур Ғуломнинг турли жанрлар ва таржимачилик тараққиётида ўзига хос ўрни мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Буюк адибнинг қарашлари, таҳлилий мақолалари, наср ва назмдаги бадиий маҳорати, таржимачилик тараққиётидаги улкан изланишларининг замирида етук салоҳият, ижодга бахшида умрни кузатиш мумкин.

Даврнинг “қайноқ ва янги” воқелигини Ғафур Ғулом фалсафий қарашларга сингдириш билан биргаликда унинг мураккаблигини ҳис этишда инсонни англаш, унинг туйғуларини лирик қаҳрамонга сингдириш каби талқинларда шоирнинг поэтик маҳорати янада теранлашади. Шоир шеъриятидаги юксак фалсафийлик, мукаммал образлилик, теран фикрлилик етакчилик қиладики, бу эса унинг поэтик образ яратиш жараёнидаги маҳоратини намоён қилади. Шоирнинг бу талқинлари ўз навбатида, унинг шеъриятидаги миллий руҳни юксак даражага кўтарилишини таъминлашга хизмат қилган.

Истеъдодли ёзувчи Одил Ёқубов устоз Ғафур Ғулом ҳақидаги хотираларини жонлантирар экан, қуйидагиларни алоҳида қайд этган эди: “Мен билган Ғафур ака ниҳоятда қувноқ, хушчақчақ бир одам эди. Лекин миллон-миллион кишиларнинг қалбига ларза солган, одамларнинг дилини ёруғ нур билан тўлдирган бу тиниқ шеърларни хушчақчақ бир ҳолатда ёзиб бўлмайди”. Одил Ёқубов қайд қилаётган бу тушунчаларда лирик қаҳрамонга сингдирилган изтироблар, аламлар, машаққатли даврнинг зиддиятлари ўз аксини топган. Бу ўринда Ғафур Ғуломнинг “Халқ отланди”, “Сен етим эмассан” каби шеърларидаги ўта исёнкор туйғуларнинг бадиий ифодасини кўз ўнгимизда жонлантиришнинг ўзиёқ бу тушунчаларни асослайди.

Ўтган асрнинг ўрталарида халқимиз бошига тушган оғир кунларни, унинг изтироблари онларини шеърий мисраларга сингдирар экан, шоир қалб кечинмаларидаги дардни лирик қаҳрамон воситасида баён этган.

Адабиётшунос олим Н.Каримов қайд қилганидек: “Ўзбек халқининг шоири бўлиш билан фахрланиши бежиз эмас. Зероки, у севган, унинг бир зарраси бўлган халқ жаҳондаги энг қадимий, маданиятга эга халқлардан биридир. Ғафур Ғулом Шарқ шеърияти тарихини ҳам, рус ва европа поэтик маданиятини ҳам мукаммал билган ва ўзлаштирган шоир эди. Аммо унинг ижодида Жамбулга хос соддалик билан Умар Хайёмга хос фалсафийлик ва теранлик кўпроқ бўртиб туради”.

Асосли таъкидланганидек, Ғафур Ғулом нафақат Шарқ адабиётини, шу билан биргаликда рус ва европа адабиётини, унинг тасвир усулларини мукаммал ўрганган истеъдод соҳиби эди. Унинг ҳар бир асарида ўзига хос талқинлар билан биргаликда ижод, унинг машаққатли жараёни уфуриф тургандек, бу эса ижодкорнинг поэтик маҳоратидан далолат эди. Шоирнинг лирик туйғуларга, чуқур ва мукаммал ҳиссиётларга, фалсафий-поэтик талқиндаги умумлашмаларга эга эканлиги учун ҳам миллий анъаналарни, қадриятларни, ўзликни англашга хизмат қилувчи бадиийлик функциясидан унумли фойдаланган. Шоир ижодида Она-Ватанни улуғлаш, дўстлик ва тинчликни мағрурона куйлаш жараёнида бетакрор асарлар яратилди.

Шоир қайси мавзуни қаламга олмасин, ўзининг услуби, жарангдор овози билан ажралиб турди. Бу хусусият одамлар орасига кирганда ҳам яққол намоёб бўлган, чунки унинг ҳиссиёт билан ўқиган шеърларини китобхон бутун вужуди билан тинглаган. Бу эса шоирни янги-янги шеърларини пайдо бўлишига замин ҳозирлаган бўлиши, табиий ҳол эди.

Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,
Ложувард осмонда
чиний кабутар.
“Самарқанд сайқали
рўйи заминаст”
Шарқнинг кўрки бўлган
тарихий шаҳар.

Ушбу мисралар билан бошланувчи шеърида Шарқнинг машъали бўлган Самарқанд ва ундаги билим масканларини улуғлаб, ЎзГУнинг тарихи, узоқ тарихга бориб тақалишини, кеча ва бугун ҳам улкан салоҳиятга эга билм маскани эканлигини алоҳида қайд этади. Университетнинг тарихи кўҳна тарих билан туташишини мисраларга сингдирадики, бу талқинлар лирик қаҳрамоннинг тарихга мурожаатида намоён бўлди:

Ишқу вафоларнинг
“Хамса”син ёзган,
Жомий, Навоийнинг
асрий нидоси.
Ҳали гумбазидан
гўнгурлаб келур
Олимлар баҳсининг
акси садоси.

Ҳақиқатдан ҳам, бу заминга Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Шайбонийхон, Муҳаммад Бобурлар каби қанчадан-қанча буюкларнинг қадами текканлигини, уларнинг маърифат нурини таратувчи асарларида ҳам Самарқанд алоҳида қайд этилганлиги, унинг ўзига хос сабаблари мавжудлиги ҳақидаги тушунчаларни уйғотади.

Ўз давлат туғроли,
ҳур Ўзбекистон
Мазлум Шарқ халқига
бўлолур кўзгу
Яша, эй, халқимнинг дорилфунуни
Илму фан манбаи барҳаёт ЎзГУ.

Истеъдодли шоирнинг бу мисраларида мужассамлашган фалсафий умумлашмаларнинг замирида асл ҳақиқат мужассам эди. “Ўз давлат туғроли, ҳур Ўзбекистон” мисрасида мужассамлашган лирик кечинмаларнинг мазмундорлиги, унинг асосидаги тарих ҳақиқатлари, буларнинг барчаси шоир қалбини титроққа солади, асл ҳақиқатни куйлашга, метофорик талқинларга сингдиришга интиладики, бу эса шоирнинг буюк ўтмиши асосида, даврнинг мураккаб жиҳатларини қайд этади. Мисралар мантиқий изчилликда давом этар экан, ўз даврининг буюк мутафаккири Мирзо Улуғбек сиймосига, унинг зиддиятли даврига, аммо илм маърифат тараққий этганлигини алоҳида қайд этади:

Улуғбек юлдузлар
сирин фош этиб,
Сўниқ шам олдида тақдим
этди бош.

Шоирнинг лирик қаҳрамони даврнинг барча мураккабликларини енгишга интилган шахс сиймосини, унинг кечинмаларини жуда теран англайдики, бу эса “юлдузлар сирин”, “сўниқ шам”, “тақдим этди бош” бирликларида ўз маъносини янада кучайтиради.

Дарҳақиқат, бу кўҳна маконга ўз жонини пайваста қилишга ҳам лирик қаҳрамон рози эканлигини урғулайди. Қадимий шаҳарга кимлар келиб, кимлар кетмади, кимлар ҳукмронлик қилди, кимлардир уни орзу қилиб ўтди, аммо шундай бўлса-да, бу макон илм-маърифат жойи бўлиб қолаверганлигига ишора беради. Маърифатнинг бешиги бўлган бу маконда не-не зотлар етишиб чиқмади, уларнинг барчаси турли соҳаларда маърифат нурларини машъала қилиб, юксаклик сари интилди ва шунинг учун ҳам, жаҳонга маълум ва машҳур бўлди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ЎзГУсиз Самарқандни, ҳаттоки жаҳонни ҳам тасаввур этиш қийинлигини таъкидлайди. Талқинлардан шу нарса англашиладики, истеъдод эгаси бўлган Ғафур Ғулом ана шу мураккаб замонда ҳам бор ҳақиқатни куйлашга интилганлигидан далолат беради.

Адабиётшунос Нуриддин Шукуров буюк ижодкорнинг асарларини, унинг поэтик маҳоратини жуда теран илғаган ва таҳлилий хулосалар чиқарганлигини алоҳида қайд этиш лозим: “Ғафур Ғулом Самарқандга келганида вақти-вақти билан Садриддин Айнийни зиёрат қилар, у улуғ зотнинг аҳволидан хабар оларди. Кейин эса Воҳид Абдулло, Исмоил Акрам каби дўстлари билан табиатнинг гўзал масканларидан баҳра олар, кунларни ижодий мунозара ва мулоқотлар билан ўтказарди. Ғафур Ғуломнинг “Самарқанд сайқали”, “Самарқанд учун”, “Самарқандлик пахтакор дўстларимга”, “Ўттиз ёшли ЎзГУ”... каби бир қатор шеърлари бевосита Самарқанд таассуротлари асосида туғилган асарлардир”.

Адабиётшунос олим таъкидлаганидек, Самарқанд Ғафур Ғулом учун ижодий баҳра оладиган маконга айланганлиги, бунинг замирида эса қадимий Самарқанднинг бетакрор мўъжизалари унга мадад бўлганлигини ҳис этиш мумкин. Унинг шеърияти ранг-баранг мавзуларни ўзида мужассамлаштирган, шунинг учун фалсафийлик, метофорик талқинлар, шоир шеъриятининг яшовчанлигини таъминлаб келмоқда. Мавзу ранг-баранглиги шоир ижодининг муҳим ва асосий хусусиятларидан биридир. Шоирнинг лирик қаҳрамони доимий уйғоқ инсонлар руҳиятини, кечинмаларини ўзида мужассамлаштирган, чунки лирик қаҳрамон юз бераётган воқеаларга, халқнинг кечмишига, янгиланишларга, унинг қалб кечинмаларига бефарқ эмас эди. Воқелик ва талқинлар замирида ҳаётийлик, инсонни англаш, ҳис этиш тушунчалари ўз ифодасини топган.

Хуллас, шоир шеъриятидаги турфа тасвирлар, талқинлар унинг етук истеъдод соҳиби эканлигидан далолат бериши билан бир қаторда, оддий инсон қалби ва кечинмаларини, давр руҳига сингдирадики, бу эса замонавийлик, ҳозиржавоблилик, долзарблик касб этишига имкон берган.

Азмиддин НОСИРОВ,
Азамат ПАРДАЕВ
СамДУ профессорлари

БИР ЙИГИТНИНГ ҚИРҚ БИР ҲУНАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Бир юмуш билан ҳовлимизга яқин кўча муюлишида очилган дорихонага кириб, пештахта ортида ўн йиллар олдин бир идорада ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган танишимни кўриб қолдим.

– Эй, юрган эканман ишимни тополмай. Ҳозир шунақа дорихонадан тўрттасининг соҳибиман, – деди у ҳол-аҳвол сўрашиб. – Мутахассислик борасида муаммо бор эди, келинингиз ўқиб, диплом олди. Бир қиз, бир ўғлим шу ҳунар изидан тушди, ўқишаяпти...Танишимнинг изоҳлари ҳайтовур шубҳа-гумонга ўрин қолдирмади. Ҳужжатлар тўғри бўлгани яхши, лекин мутахассис панд бериб қўйса-чи? Шу муаммоларнинг ечимини ўйлабди, барака топсин. Ҳуқуқшунос, барибир, ҳуқуқшунос-да! Хўш, бошқа соҳаларда аҳвол қандай? Менимча, жуда зўр эмас. Қурилаётган айрим бинолар, кўприкларнинг қулаши, бошқа объектлардаги турли носозликлар... Таълим, спорт, матбуот, халқ хўжалигининг қатор соҳаларида номутахассис кадрлар қандай ўрнашиб олган?

Яна бир ҳаётий мисолга тўхталаман. Бир бола қишлоғидан чиққан машҳур шоирга ҳавас қилиб, Тошкентда ўқиди. Шоир-ку бўлолмади, бир мунча вақт газетада ишлади. Газетанинг қаттиқ нонига қаноат қилолмай товламачиликка қўл уриб, қамалиб кетди. Уёқдан қайтгач, савдо-сотиғу бошқа ҳар хил ишларда ўзини синади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас: яна тез бойиш илинжи уни иккинчи маротаба судланишига ва жазони ўташига сабаб бўлди. Гапнинг индаллоси, бугун шу одам таълим соҳасида кичик амалдорлардан бири десам, ишонасизми? Ажабки, у бетизгин орзуҳаваслариниг рўёбини шу тизимда топди. Туриш-турмуши, топиш-тутиши унча-мунча ҳақиқий мутахассисникидан аъло!..

Афсуски, бундай ҳаваскорлик ва ҳаваскорлар урчиб бораяпти-да. “Ҳаваскор шоир”, “Ҳаваскор актёр”, “Ҳаваскор курувчи”, кейинги пайтларда анча шов-шув бўлган соҳа – блогерлар сафида ҳам “Ҳаваскор журналист”лар! Аслида бунинг ҳеч ёмон жиҳати йўқдек (Кимнинг кимда (нимада) кўнгли бўлса, қўяверинг ўйнасин!). Алам қиладиган жойи, айрим ҳолларда ана шу ҳаваскорлик билан ном қозонганлар соҳа профессионалларини, чин мутахассисларни “бип-бинойи” бошқаришаяпти-да! Бунга далил келтиришга ҳожат борми? Болалигимизнинг севимли эртакларида айтилганидек, “Ботир сер солиб қараса, тулпор охурида суяк, итнинг ялоғида АРПА солинган эмиш...”

Султон суягини хўрламас

Тараққиёт илдизига болта ураётган иллатлардан бири жамиятда қариндош-уруғчилик, танишбилишчилик ришталарининг давлат бошқарув тизимига ҳам суқилиб кирганлигида кўринади. Бу иллат коррупционер амалдорларнинг яқинларига нисбатан меҳр-саховат туйғулари ҳаддан зиёд ижтимоий-сиёсийлашуви натижаси десак хато бўлмайди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳатто ижодий ташкилотлардаги маоши катта, хизмат машинасига эга бўлган штат ўринлари ҳам дасти узун амалдорлар томонидан “забт этилмоқда”. Изини суриштирсангиз, сийланган мардум, турли “ёғли жой”ларда ялло қилиб юраверганидан дийдаси қотган тўқимтабиат кимса бундай махсус вазифага ҳам мутахассислиги юзасидан умуман нолойиқ бўлиб чиқади. Шунақа экан, ижодкорлик талаб қилинмайдиган бу янглиғ жойларга бутун умрини, ўзини, бор ҳаётини ўзбек адабиёти, санъати равнақига бахш этган хокисор ижодкорларни қўйсак бўлмайдими? Бўлмайди! Чунки:

“Айбим шулки, амалдорга бегонаман!”

Тан олиш керак, кейинги йилларда бир қатор эзгу ташаббусларга гувоҳ бўлдик. Хусусан, турли ҳокимлик, вазирлик ва бошқа давлат идораларида жамоатчилик билан ишлаш бўйича ахборот хизмати раҳбарларининг мавқеи ўринбосар даражасига кўтарилди, давлат тили сиёсатини юргизиш учун эса алоҳида маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Агар ҳисоблаб чиқилса, бу республика миқёсида анча-мунча иш ўрни дегани. Бироқ шундай масъулиятли вазифага муносиб кадрлар топиш муаммоси зудлик билан, ахборот, тил соҳасида етарли билим, тажриба ва салоҳиятга эга саноқли мутахассислар безовта қилинмаган ҳолда ҳал этилгани шубҳали. Танланган кадрларнинг ўз ўрнига муносиб ёки муносиб эмаслиги эса оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда фуқаролар ва истеъмолчиларнинг жавобсиз арзу шикоятларидан билиб олиш мумкин. Масалан, бир неча ойдан буён истеъмолчилар янги қўйилган газ ҳисоблагич ускунаси сифатсиз, асоссиз равишда кўп ҳақ ёзаётганидан нолишади. Таассуфки, уларга икки жумла ёки изоҳ бериши лозим бўлган моянадорлар лоақал чурқ этишмайди. Ҳамма соҳада ислоҳотлар шаффоф, очиқ ва ошкора ўтишини назорат қиладиган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги халқаро анжуманларда малакасини ошириб бўлгач, охир-оқибат, бу масалаларга ҳам эътибор қаратади, деган умидимиз бор.

Жарроҳми ёки қассоб?..

Шу ҳам савол бўлдими, деб ёзғиришга шошилманг. Ён-атрофимизда сиртдан айни, моҳиятан турфа вазифаларни бажараётган кишиларни битта ном билан аташ урф бўлмаяптими? Кетмон, теша, белкурак ясаган устанинг зебигардон, сирға, узук ясаган кимсадан нимаси кам, иккаласи ҳам битта ҳунарманд-ку, деган умумий ёндашув оқибатида у жамоага буниси, бу жамоага униси бош бўлиши оддий ҳолга айланди. Аниқроқ айтсак, зар қадрини косиб биладиган бўлди.

– Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлмоқчиман. Битта тавсия ёзиб берсангиз, яхшилигингизни унутмайман. Бирор кун мен туғилган вилоятга медиа-турми, бошқа бирор тадбир уюштирилса, ҳокимдан сизга, албатта, ноутбук ундириб бераман...

Тўғриси, дафъатан айтилган сурбетона мурожаатдан бироз ҳайронлигим ошди. Боиси, “Сиздан угина, биздан бугина” қабиладаги таклиф эгаси оддий ҳаваскор қаламкаш ёки давлат мукофоти илинжида пайдар-пай китоблар чиқариб, турли эътирофларга эришиш учун ота-онаси етагида эшикма-эшик сарғариб юрган орзумандалардан ҳам эмас, балки узоқ йиллардан буён телевидение соҳасида ишлаб келаётган журналист, ҳатто ўз муаллифлик кўрсатуви билан томошабинлар назарига тушган таниқли журналист эди.

– Шоир, ёзувчи бўлмасанг, нима қиласан уюшмага аъзо бўлиб демоқчимисиз? – деди у гап-сўзидан ажабланиб турганимни кўриб. – Ана қанча журналист аъзо бўлди. “Худо хоҳласа, энди бадиий асарлар ёзишгаям ҳаракат қиламан”, деб ижтимоий тармоқларда чиқишлар қилишди. Хўш, менинг улардан қаерим кам?

Унинг гапларига эътироз билдирмадим, Ўзбекистонда соҳа вакиллари учун Журналистлар уюшмаси мавжудлигини эслатмадим ҳам. Буни мендан кўра яхшироқ билади, албатта. Фақат бу уюшма у таъкидлаган турдош уюшма сингари имтиёз, ваколат ва имкониятларга эга эмаслиги учунми аъзолиги расман тасдиқланмаган журналистлар ҳаёти ва фаолиятида ўрни умуман сезилмайди. Онда-сонда ўтиб турадиган тадбирларнинг ҳам ўз иштирокчилари бор. Таркиб деярли ўзгармайди. Ваҳоланки, матбуот оламида унвону амалдан йироқ, бироқ қалами ўткир, мулоҳазаю мушоҳадага бой мақолалари, чиқишлари билан танилган тажрибали журналистлар оз эмас. Қурбон Эшмат (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) ана шундай журналистикада ўз мактабини ярата олган ижодкор эди. Тақдир экан, ўрганса арзигулик ижод сирларини издошлари билан баҳам кўролмай ўтиб кетди. Бугунги кунда матбуотнинг қаттиқ нонига қаноат қилиб келаётган қалам аҳли ҳақида қачон ўйлаймиз?

Анъанавий семинар, анжуман ва ҳоказолар ўрнига ёки ўша тадбирлар доирасида олтмиш ёшнинг нари-берисида турган бу журналистларнинг ижодий кечалари ўтказилса, ёшларга, бўлажак мутахассисларга кўпроқ фойда бўлади-ку! Кўпчилик “Ўзгаришлар палласида турибди” деб ишонаётган Журналистлар уюшмаси жамият ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнини топиши керак. Айни пайтда бу ишонч тасодифий кадрлар ташрифи билан оқланмаслиги ҳам кундай равшан...

Сўнгсўз

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар қоғозга тушишидан олдин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлмиш бир дўстим билан мақола мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашган эдим. Сўзларимни диққат билан тинглаган ноиб аввал мийиғида кулди ва “Ҳеч эътибор берганмисиз, яқин ва олис кечмишимизда рўй берган барча фожиалар кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлган. Йўқса, Чингизхон она тупроғимизни топтамаган, рус чоризми амирлик ва хонликларни осонгина эгаллаб олмаган бўларди. Ҳозир ҳам қорнидан бошқа дарди йўқ амалдорларимиз нафсу маҳдудлик ботқоғига ботиб ётибди. Шунинг учун қўйинг, бошингизни оғритманг, кўпроқ ижодингиз билан шуғулланинг”, деди. Аччиқ ҳақиқат! Наҳотки, улуғ аждодларимизнинг “Миллатни, демакки, дунёни мукаммал кўриш орзуси” биз учун ҳам қўл етмас орзу бўлиб қолса?

Йўқ, бугунги онгимиз, тафаккуримиздаги уйғонишлар, янгиланишлар асло бунга йўл қўймайди,деб ўйлайман. Эр йигитда фақат битта энг асосий ҳунар бўлиши шарт, у ҳам бўлса, нафсга ён бермаслик, элу юрт равнақи учун жонфидолик! Агар шу ҳунарни ҳаммамиз ўзимиз учун комил касб сифатида қабул қила олсак, билингки, бу учинчи Ренессанснинг ибтидоси бўлажак...

Сирожиддин РАУФ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари Бош муҳаррири

ИЛТИМОС, ЖОЙ БЕРИНГ!

Муҳиддин ота қишлоқда яшайди. Кампири, кенжа ўғли, келини, олти набираси, хуллас бир ҳовли одам. Набираларининг олди Қуёшбек билан Олтинбек талаба. Иккиси ҳам пойтахтда таҳсил олади. Бири бўлажак жарроҳ, иккинчиси судья бўлмоқчи. Иккови ҳам энг юқори балл билан қабул қилинган. Аълочи. Бошқалар ҳавас қиладиган стипендия олишади. Қуёшбекнинг академияни битиришига икки йил, Олтинбекнинг университет дипломини олишига бир йил қолган. Иккови ҳам ўз соҳаси бўйича шартнома асосида дарсдан сўнг ишлайди. Шу боис пул сўраб ота-онасига хат ёзмайди, қўнғироқ қилмайди. Иккови ҳам бир жойда – Чилонзордаги кўп қаватли уйнинг чоғроққина икки хоналисида истиқомат қилади. Отаси фермерлик даромадидан бобосининг қистови билан олиб берган. Бу кулбаи камтарнинг бисотида иккита гиламча, устол-устул, кийим-кечак шкафи, телевизор, иккита каравот, чоғроққина китоб жавони бор, холос. Талабага бундан зиёди зиёд-да, тўғрими?!

Саксон йиллик умрининг ярим асрини мактабда – таълим-тарбия билан ўтказган Муҳиддин ота беш ўғилу икки қизини ўқитди, олий маълумотли қилди. Кенжаси Олмосбек қишлоқ хўжалиги институтини битириб, агроном бўлиб ишлай бошлади. Қишлоққа фермерлик кириб келгач, отасининг маслаҳати билан эллик гектар ер олиб, деҳқончилик қилди. Сен ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади нақлига амал қилиб, бола-чақаси билан астойдил меҳнат қилди. Ернинг қалбига қулоқ тутди, сийлади. Емишу сувдан қисмади. Инсон меҳридан баҳра олган ер яйради. Қадалган ҳар бир чигит хатосиз униб чиқди. Мўл- кўл ҳосил берди. Кузнинг бошида ер қор тўшалгандек оппоқ бўлди. Бу – ерда битган "оқ-олтин" эди. Ана шу "оқ -олтин" хирмон-хирмон пахта бўлди. Олмосбек меҳнатдан келса бойлик- турмуш бўлур чиройлик деганларини ўшанда кўрди. Орзу-ҳаваслари рўёбга чиқди. Иморат қурди. Тўй қилди. Мошина олди. Бу ғойибдан келмаганлигини, барига отасининг йўл-йўриғи билан эришганлигини эл ичида тилидан бол томиб гапирди. Отасини бағрига босиб, чин дилдан раҳматлар айтди. Ютуқлар меники эмас, сизники деди.

Олмосбек кузнинг қуёшли кунларидан фойдаланиб, дала ва ҳовли ишларини саришта-саранжомлаб олгач, ота кампири билан йўлга чиқди. Тошкент вокзалида уларни икки набира – Қуёшбек билан Олтинбек кутиб олди. Набиралар уйида чолу-кампир мириқиб дам олишди. Саёҳат ер ости поезд йўлининг янги бекатларини томоша қилишдан бошланди. Аввал, "Алишер Навоий" бекатидан Қўйлиқ деҳқон бозоригача бориб қайтдилар. Кейин "Ойбек" бекатидан узун йўлак орқали "Минг ўрик" га ўтдилар. Ҳашаматли кошонани ҳайратлана-ҳайратлана томоша қилдилар. Набиралар қайси йўл қаерга олиб боришидан то поездлар эрта тонгдан ярим тунга қадар юришигача тушинтириб, хизмат кўрсатувчиларнинг вазифалари билан таништирдилар.

– Буни қаранг, ғиж-ғиж одам бўлишига қарамай, ҳаммаёқ ёғ ялагудек, – деди бувижонлари чолининг нигоҳини оёқлари остида ялтираб турган мармарга қаратиб. – Жудаям чиройли экан. Кинолардаги саройларга ўхшайди-я.

Муҳиддин ота кампирининг гапини маъқуллаб, Қуёшбекка юзланди:

– Менга қара ўғлим, бу кошонанинг устида катта боғ борми?

– Юқорида кўп қаватли уйлар, кенг ва равон йўллардан бошқа нарса йўқ, – жавоб қилди Қуёшбек.

– Унда нега бу бекатнинг номини "Минг ўрик", деб қўйишган?

Қуёшбек елка қисди. Сўнг:

– Балки, бу тарихий номдир, – деди ўзи ҳам ўйланиб, – балки бир замонлар минг ўрикли боғ бўлгандир бу ерда.

– Ҳа, бу тарихий ном бўлиши мумкин, – деди бобо набираларининг диққатини тортиб, – буни айниқса, сиз ёшлар билишингиз керак! Шу сабаб бу бекатга "Минг ўрик" номи нима учун берилганлигини кўзга кўринадиган жойга ёзиб қўйилгани маъқул. Агар бу номнинг тагида ҳеч нарса бўлмаса, унда "Абдулла Қаҳҳор" бекати деб номланса яхши бўлур эди. Чунки, Ғафур Ғулом билан Ойбек номида метро бекати бўлса-ю, ўзбек миллий ҳикоячилигини бошлаб берган, сўз заргари, машҳур ёзувчи, шоир ва олимларимизнинг устози бўлган Абдулла Қаҳҳор номида бўлмаса... Менимча бўлиши керак. Бу фикрни халқимиз ҳам мамнуният билан қўллаб-қувватлашига ишончим комил...

Бекатга ғувиллаган овоз билан поезд келиб тўхтади. Набиралар бобо билан бувини вагонга таклиф қилиб, ўтиришга жой кўрсатдилар. Вагон бўйлаб сухандон қизнинг ёқимли овози таралди:

– Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат "Юнус Ражабий".

Меҳмонлар буюк санъаткор, академик Юнус Ражабий номини олган метро бекатини ҳам ҳавас билан кўздан кечириб, яна поездга чиқдилар. Яна сухандон қизнинг овози эшитилди:

– Ҳурматли йўловчилар! Илтимос, ёш болалик, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг!

Вагон йўловчилар билан тўла бўлгани учунми, эшик олдида туриб қолган Муҳиддин ота билан кампирини ё ҳеч ким кўрмади ёки кўриб кўрмаганликка олишди. Поезд бекатга яқинлашиб қолганда сал нарида ўтирган эркакнинг уларга кўзи тушибми, дарҳол ўрнидан туриб овоз берди:

– Отахон, келинглар, мана бу ерга ўтириб олинглар!

Бувисининг қўлидан тутиб турган Қуёшбек "Раҳмат, ҳозир тушамиз"деди. Меҳмонлар "Туркистон" метро бекатига етгунга қадар неча бор поездга чиқиб, неча бор тушдилар. Бири-бирига ўхшамайдиган бекатларнинг бу бошидан у бошигача юриб, рангин безаклару устунлардан кўз узолмай хўб қувондилар. Метро хизматчиларининг хушёрлиги-ю, ғамхўрлигидан, йўловчига бефарқ эмаслигидан жуда-жуда хурсанд бўлдилар. Айниқса, поезд сухандонининг ҳамма нарсани кўриб тургандек, нишонга уриб гапиришига қойил қолдилар. Қайтишда чол ҳам, кампир ҳам вагонга чиққан-тушганга, ўтирган-турганга нигоҳ ташлаб – нигоҳ ташлаб, ўз хаёллари билан бўлиб, "Минг ўрик"га келдилар. Поезд тўхтагач, сухандон йўловчиларга охирги бекат эканлигини эслатиб, "Хайр, саломат бўлинг!" деди.

– Эшитдингми,-кампирига юзланди Муҳиддин ота, – ҳатто хайрлашиб ҳам қўяр экан-а. – Ана маданият, ана иззат-ҳурмат. Ўзлари ҳам соғ бўлсин, илойим! Қанийди, ер устидаги ҳайдовчиларимиз ҳам шундай дейишса. Зўр бўларди-да!

Набиралар бобожонлари билан бувижонларини эҳтиётлаб ер устига олиб чиқиб, миллий таомлар ошхонасига олиб кирдилар, мазали овқатлар, юмшоққина иссиқ нону шарбатлар билан сийладилар. Таксида уйга қайтгач, аччиққина кўк чой дамлаб кирган Олтинбек сўради: "Чарчатиб қўймадикми, сизларни, бобожон?"

– Шундай томоша бўлади-ю, чарчадик деймизми? – мамнун жавоб қилди Меҳриддин ота. – Ёки сен толиқдингми, кампир?

Бувижон жилмайганча бошини сарак-сарак қилди.

– Давлатимизнинг бу ишларига тасаннолар айтмай бўлмайди, – давом этди бобо чой хўплаб. – Кўз юмиб очгунча шаҳарнинг бу бошидан у бошига бориб турибсан-а. Офарин-е! Мана, мустақилликнинг шарофати. Бунинг устига барча эълонлар давлат тилида эканлигидан жуда хурсанд бўлдим. Адабий тилимиз бирам ёқимли эшитилади-ей. Бўларкан-ку, ахир! Агар мендан Тошкентдаги қайси ташкилотда давлат тилида иш юритиш яхши йўлга қўйилган деб сўрашса, метро хизматида деган бўлур эдим. Бу ибрат олса арзийдиган иш бўлибди. Ҳа, энди она тилимизга ҳам жой берадиган вақт келди-да. Шундай буюк, шундай бой тил халқимизнинг ва айниқса, ёшларимизнинг онгу шуурига бугун сингдирилмаса, қачон сингдирилади? Битта ўзбекча сўзга битта русча сўз қўшиб гапириш уят-ку! Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бу– иллат. Бу иллатдан тезроқ қутилишимиз керак! Акс ҳолда эрта бир кун бу яна катта муаммо бўлиши мумкин. Метро бекатларини томоша қилиш ниятимиз бўлмаганда, бу гаплар қайда эди, болам? Шўролар замонида ер ости-ю, устида шундай гўзал кошоналарни қуриб бўлармиди?! Йўқ , қуриб бўлмас эди. Шунга қарамай Шароф Рашидов "сен шохида юрсанг, мен баргида юраман" қабилида иш тутиб, ўта устамонлик билан қорақош Брежневни нималаргадир ишонтириб, Тошкентда метро қурган. Бу ўша пайтда жуда катта жасорат, жуда катта қаҳрамонлик ҳисобланган. Нега? Негаки, ўзбек халқининг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган милён-милён тонна пахтанинг ҳам, тилло билан газнинг ҳам, хуллас, бутун бойлигимизнинг эгаси Маскўп бўлган-да.

– Маскўп эмас бобожон, Москва, – кулди Олтинбек.

– Москва бўлса Москва-да, болам, – деди бобо нимтабассум билан,-лекин, қайси бир замонда Маскўп деб аталган бўлса керакким, шўролар даврида кўчилик Маскўп дерди. Ким бўлганда ҳам, улардан бир сўм ундиришнинг ўзи бўлмаган. Ҳа майли, ҳозир бу гапнинг мавриди эмас.

Мана сизлар, ҳозирги ёшлар, Шароф отанинг шу жасоратини биласизларми? Билмайсизлар. Билиш керак! Билишгина эмас, шундай улуғ инсон билан фахрланиш ҳам керак! Бу тарих. Тарихни билиш, ундан тегишли хулоса чиқариб иш тутиш сизнинг бурчингиз,болам! Гапнинг рости, мен бугун хурсанд бўлиш билан бирга таъбим бироз хира ҳам бўлди, – набираларига кўз ташлаб олди бобо, – метронинг сухандон қизи ҳар бекатда "Ҳурматли йўловчилар! Ёш болалик, ногирон ва ёши катталарга жой беринг!" дер экан. Унинг бу гапини вагонни тўлдириб ўтирган йигит-қизлар эшитмаяптими? Эшитиб турибди. Лекин, эшитиб эшитмаганликка олиб ўтиришибди. Ҳаммагинасининг кўзи телефонда. Тепасида эса ёши катта одамлар, ҳатто кексалар тик туришибди. Буни ўтирган ёшлар билиб турибди. Лекин, биронтаси бошини кўтариб қарамайди. Бу нима деган гап? Уят эмасми бу? Қачондан бери ёшларимиз катталарга нисбатан ошкора ҳурматсизлик қилишни ўзларига эп кўрадиган бўлдилар?

Ҳамма бало мана бунда, – деди катта набира қўл телефонини кўрсатиб, – ўтирган жойингизда бутун дунёни кўриб, эшитиб турасиз. – Шунинг учун бўлса керак, ёшлар телефондан бош кўтармайди. Бизнинг маънавиятимизга зид бўлган ғарб маданияти ҳам ана шу телефон орқали тарғиб қилинмоқда...

– Ғарбни қўй! – деди бобо кесиб. – Биз шарқмиз, шарқликмиз. Бизнинг ҳеч кимникига ўхшамаган буюк тарихимиз, буюк маданиятимиз, ана шу тарих билан маданиятимизни яратган буюк аждодларимиз, фахру-ифтихоримиз бўлган бобо калонларимиз бор. Қани айтингчи, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур сингари аҳли оламга машҳур бўлган буюк зотлар дунёнинг қайси давлатида бор. Улар қолдирган бебаҳо буюк маънавий мерос-чи? Йўқ, ҳеч бир давлатда йўқ! Ана шу буюк мерос бизнинг пўлат қалқонимиз. У бизни ҳар қандай зарарли ғоядан, ёт ғоячиларнинг ҳар қандай ҳийла-найрангидан асрашга қодир. Бунинг учун биз ёшларимизни ана шу хазина мевасидан баҳраманд этишимиз керак! Яъни, буюк бобокалонларимиз яратган мактабларнинг билим ва тажрибаси билан қуроллантирмоғимиз лозим. Бу иш бўлмаяпти эмас, бўлаяпти. Лекин суст. Очиғини айтганда, биз бировдан ўрганишга, бировга тақлид қилишга мухтож эмасмиз. Ҳамма гап фарзандни оқил ва билимдон қилиб тарбиялашда. Мана шу ишда адашмаган одам ҳеч қачон довдираб қолмайди. Ёт ғояларга оғмайди. Бугун дунёда мафкуравий жанг тобора авж олаётганлигини мен ҳам кўриб турибман. Бобом дунё бехабар деб ўйламанг! Биз фарзандларимизни шундай тарбия қилишимиз керакки, улар четдан кириб келаётган ҳар қандай ёт ғояларга, тарғиботу ташвиқотларга қарши тура оладиган бўлсинлар. Қизиқ экан деб интернетдаги бизнинг ахлоқ-одобимизга, маънавиятимизга зарарли бўлган ғоялар билан суғорилган хорижий кино ва концертларни томоша қилиш, чорловларга қулоқ тутиш, билиб-билмай тақлид қилиш, мулоқотга киришиш – булар ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган, бормайди ҳам. Мумкин бўлса, метро поездларидаги телевизорларда ёшларимизни китоб ўқишга, шарқона ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишга, яратиш ва яшнатиш ишқи билан ёниб яшашга, миллатпарварлигу ватанпарварликка, она тилимизни муқаддас деб билишга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашга, ўз оиласи, ўз маҳалласи, ўз қишлоғи билан фахрланишга, жамиятимизнинг ташаббускор, фидойи ва бунёдкор фуқаролари бўлишга, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга даъват этувчи кинолавҳалар, буюк алломаларимизнинг ҳикмат ва боқий фикрларини мунтазам бериб бориш йўлга қўйилса, маънавий-маърифий соҳада янги ва ғоятда фойдали саҳифа очилган бўлур эди. Рекламалар қаторида буларга ҳам жой берилса, иззат-ҳурмат масаласи ўзгармай қолмасди.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари вазирлиги.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
"ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

Ҳусан Йўлдошев бутун онгли ҳаетини халқ таълими ривожи учун бахшида этган инсон, "Халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳиби, Олий тоифали ўқитувчи, Зомин туманидаги республика миқёсида танилган — 1990 йил 24 май куни фаолиятини бошлаган иқтидорли болалар мактаб-интернатнинг асосий ташкилотчиси, мазкур илм даргоҳининг нуфузини юксак чуққиларга олиб чиққан эди.

Ҳусан Йўлдошев илм фидойилари каби тириклигида ўзига хайкал кўйган инсон. Жиззах вилоятида биринчи бўлиб иқтидорли болалар мактаб интернати Зомин туманида ташкил этилиши бевосита унинг меҳнат фаолиятига боғлиқлигини фахр билан айтсак бўлади.

“Билимли бола албатта ўқишга киради. Унинг бурни қонамайди, агар нотўғри бахоланган бўлса, билимингизга ишонсангиз, доим йўлингиз очиқ бўлади" дерди у киши маърифатга ташна ёшлар билан суҳбатлашганда. Устознинг бундай сўзларидан руҳланган ота-оналар, ўқувчилар ва устозлари билимли боланинг мактаб-интернати ўқувчиси мақомига эришишига чин дилдан ҳаракат қилишарди. Устознинг меҳрибонлиги, қатъияти, сезгирлиги, талабчанлиги юзлаб шогирдларнинг нуфузли давлат ташкилот ва муассасаларида юксак мартабаларга эришиб келаетганл игининг омили десак хато бўлмайди.

— Мен шу мактабда ўқиб, мустақил хаетга қадам қўйганман, — дейди махсус мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Холиёр Ибрагимов. — Устоз Ҳусан Йўлдошевнинг яхши одатлари бор эди. У киши алоҳида иқтидорга эга бўлган ўқувчилар ютуғини ҳамиша қадрлар ва ўз навбатида рағбатлантирар эди. Мен ҳам кўп маротаба устознинг эъзозларидан бахраманд бўлганман.

Устоз табиатан ҳушёрлиги туфайли ҳар бир ишда ҳисобни тўғри олар, кези келганда айтиш керакки, дипломатик қобилияти туфайли мактаб жамоаси манфаати учун борган жойидан керакли нарсани ундириб келар эди. У кишининг самимий кулиб, керакли кишининг қўлтиғидан олиб, ниҳоятда хушмуомалалик билан масала моҳиятини тушинтиришлари эсдан чиқмайди. Мактабга керакли ўқитувчи кадрларнинг оилавий шароити билан ҳамиша танишиб борар ва имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Бу борада мохир математик, фахрий педагог Абдусодиқ Боймуродов қуйидагиларни эслайди.

— Мен Қизилсой қишлоғидан қатнаб ишлар эдим. Устоз Ҳусан аканинг эътибори билан туман марказидан уй олишга эришиб, иштиёқ билан ишга киришганман. Яна бир муҳим гап. Устознинг ташаббуслари билан мактабимизнинг ўқитувчи ва ўқувчилари қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилинган эди. Ўқитувчи ва ўқувчи дала юмушларига аралашдими, тамом, таълим ўлади дердилар. Устознинг хотираси қалбимиздан ўчмайди.

Дарҳақиқат, устоз Ҳусан Йўлдошев серқирра, билимли зиёли инсон эди. Унинг ибратли ҳаёт йўли кичкина мақолага сиғмайди ҳам. Энг муҳими, устознинг ишини фарзандлари муносиб давом эттирмоқда.

Зоҳид АЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Зомин туманидаги 75-мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Шукрона

“ҲАР КЕЛГАНИНГИЗДА ЁШАРАМАН”

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 майдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Президент фармонига кўра Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 000 000 (ўн саккиз миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгиланди.

Жойларда ана шу мукофотни ўз эгаларига топширишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов Янгиқўрғон тумани Поромон қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 100 ёшли Муҳаммад Иброҳим ота Инамов хонадонида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг табрикномасини ўқиб эшиттирилиб, Президент совғаси, пул мукофоти ва қимматбаҳо ҳадялар тантанали топширилди.

Кўрсатилган эътибор ва эъзоздан мамнун бўлган отахон дуога қўл очиб, миннатдорчилик билдирди.

— Ҳар келганингизда ўн ёшга ёшараман. Қилаётган ишларингизни кўриб турибман интернетда, — дейди отахон вилоят ҳокими билан суҳбатда. — Ҳар куни набирам янгиликларни кўрсатиб туради, ўқиб беради. Шу қишлоқдан 300 киши урушга кетганмиз. Ярадор, биров қўлсиз, биров оёқсиз бўлиб, 27 таниз қайтиб келганмиз. Ҳозир туман бўйича икки киши - мен ва исковотлик Топилвой қолдик. Ўнта фарзандим бор. Аёлим билан 72 йил умргузаронлик қилдик. Тўрт ой бўлди, сўнгги йўлга кузатдим. Болаларимни еттитасини ўқитдим. Бештаси олий маълумотли. Барчаси эл-юрт хизматида.

Анвар ИКРОМОВ